"МУҲАББАТ ҚАСРИ"

ФАРҒОНА. Ҳамза номидаги Қўқон ўзбек давлат мусиқали драма театри жамоаси истиқлолнинг беш йиллиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб, Нурилахон Ҳожи Абдулло ўғлининг "Муҳаббат қасри" тарихий драмасини саҳналаштирди. Асарда темурийлар сулоласи томонидан Ҳиндистонда барпо этилган Тожмаҳалнинг яратилиш тарихи ҳикоя қилинади. Шунингдек, спектаклда Бобур ва унинг опаси малика Хонзодабегимларнинг сиймолари яратилган. Бош ролларни Муҳаммадали Абдуқундузов билан Гулчеҳра Жамилова ижро этишмоқда. Спектаклни режиссёр Мақсуд Юнусов саҳналаштирган.

Алишер ИБОДИНОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

КАТТАЎЛМАСДА ЯНГИ КОРХОНА

НАМАНГАН. Илгари бу қишлоқда ишга туширилган тикувчилик цехида 80 киши меҳнатга жалб қилинган эди. Ҳозир йиллик қуввати 11 миллион сўмга тенг бўлган пайпоқ тўқиш корхонаси қурилмоқда. Унга "Бизнесфонд" ва "Мадад" суғурта жамғармаси ҳомийлик қилмоқда. Норин туманининг 70 йиллиги нишонланадиган кунларда янги корхона дастлабки маҳсулот бера бошлайди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

вокеалар, хабарлар

ИССИҚ НОНГА НИМА ЕТСИН

ҚАШҚАДАРЁ. Донни ўзимиз етиштиришга киришган эканмиз сифатли, бўрсилдоқ нонлар тайёрлашни ҳам йўлга қўймоқда. Вилоятнинг бир неча туманида нон чиқарадиган кичик корхона ва дўконлар ишлаб турибди. Ана шундай "Иссиқ нон" корхонаси Муборак шаҳрида ҳам қурилмоқда. Германиянинг "Винклер" фирмаси тайёрлаган замонавий ускуналар бир неча хил нон тайёрлаш ва уларни сақлаш имкониятига эга.

Юнус УЗОҚОВ.

янгликлар, фактлар

ЎЧОҚЛАР ТУТАМАЙДИГАН БЎЛДИ

НАВОИЙ. Навбаҳор туманидаги Навоий номли, "Зарафшон", "Янгиқўрғон" жамоа хўжалиги хонадонларида ўчоқларга ўт қалашга ҳожат қолмади. "Янгиқўрғон" хўжалигининг Метан, Навкар ва Гузар қишлоқларида "зангори олов" порламоқда. 18 километр масофага газ қувурлари ётқизилиб, 150 хонадонда уй бекаларининг мушкуллари осон қилинди. Хайрли ишларни 340-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари амалга оширмоқдалар.

Музаффар ШАРОПОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

МАКТАБМИСАН МАКТАБ

ТОШКЕНТ. 307-мактабнинг ўзига хос мажмуи бор, десак бўлади. Бу ерда мусиқа, эстетика, иқтисодиёт ва чет тиллар ўргатилади. Директор Светлана Бочкареванинг фикрича, бу ерда ўқувчилар қабул қилиш усули бошқачароқ экан. Хусусан, бошланғич синфларга қабул 20 апрелдан бошланиб, дастлаб тест синовидан ўтказилади. Ўқишнинг иккинчи босқичи эса 5 — 9-синфларда бўлади. Асосан иқтисодиёт илмига эътибор берилади. Ҳозир "спортчилар" синфини очишга тайёргарлик кўрилмоқда. Учинчи босқич 10 — 11-синфлар.

Маҳфуза БОБОЁРОВА,
Зулайҳо ҲАСАНОВА.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 17 сентябрь, сешанба № 121 (22.042).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган



СУРАТДА: Президент Ислом Каримов Украина ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенкони қабул қилди.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 сентябрь куни Украина Республикаси ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенкони қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги муносабатлар бошқаларга намуна бўлгулик экани, икки мамлакатнинг талай халқаро муаммоларга муносабатида уйғунлик мавжудлигини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари мавжуд ютуқларни янада мустаҳкамлаш йўлидан боришимиз лозимлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги икки томонлама муносабатларни, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Учрашувда Украина Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Сметанин ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни Германия Федератив Республикасининг «Дойче банк АГ» банки бошқаруви аъзоси Георг Крупп раҳбарлигидаги делегацияни ҳам қабул қилди.

Ислом Каримов мамлакатимиз билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар тобора юксалиб бораётганини, Европадаги бу ривожланган давлат Ўзбекистоннинг муҳим стратегик ҳамкорига айланганини таъкидлади.

— Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожида «Дойче банк» муносиб ҳисса қўшмоқда, — деди жумладан Ўзбекистон раҳбари. Дарҳақиқат, жаҳондаги йирик молиявий муассасалар орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган бу обрўли банк ҳамкорликдаги лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш орқали мамлакатимиз билан манфаатли шериклик қилмоқда.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан «Дойче банк АГ» ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш, истиқболли лойиҳаларни биргаликда маблағ билан таъминлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви раиси Файзулла Муллажонов, республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Рустам Азимов иштирок этди.

Учрашувда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл ҳозир бўлди.

(ЎзА).



СУРАТДА: Президент Ислом Каримов Германия Федератив Республикасининг "Дойче банк АГ" банки бошқаруви аъзоси Георг Круппни қабул қилди

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ЯНГИ «ЛОЧИН» ПАРВОЗИ

Мамлакатимиз самолётсозлик саноатида яна бир муҳим қадам ташланди. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган «Ил-114 Т» юк самолёти синов учишидан муваффақиятли ўтди.

Бирлашма жаҳондаги етакчи самолётсозлик корхоналаридан бирига айланиб бормоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Ил-76», «Ил-114» русумли самолётларга қизиқиш тобора ортмоқда. Ўзбекистонлик самолётсозлар Россия, Франция, Америка Қўшма Штатлари ҳамда германиялик ҳамкасблари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйгани ижобий натижалар бермоқда. Янги «Лочин»нинг парвози ҳам шундан дарак бериб турибди.

Янги самолёт синов учишида республика Бош вазири Ў. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар, шунингдек, дипломатик корпус вакиллари ҳозир бўлди.

(ЎзА).

МАШИНА ДАЛАГА ЧИҚДИ

• **СУРХОНДАРЁ.** Пахтачиликда энг йирик туман Шерободда мавжуд 200 та пахта териш машинасининг учдан бир қисми далаларга олиб чиқилди. Қумқўрғон туманидаги С. Бойматов номли жамоа хўжалигининг Ҳожи Дониёров бошлиқ бригадаси пахта тайёрлаш йиллик режасини ошириб бажарди. Олтинсой, Узун туманларида ҳам пешқадам бригада жамоалари маррага яқинлашиб қолди.

Пахта йиғим-терими воҳада кун сайин қизитилмоқда.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КАРВОН ТАНТАНАЛАРИ

• **НАВОИЙ.** «Оқ олтин» карвони тантаналари Хатирчи, Навоий, Навбаҳор туманларида бўлиб ўтди. Вилоятнинг кенжа тумани Навбаҳорда бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Жорий йилда қарийб 29 минг тонна саноат хом ашёси етиштириш иштиёқида меҳнат қилаётган туман меҳнаткашлари «Қалқон», «Янгиқўрғон», «Гигант» пахта қабул қилиш пунктларига дастлабки ҳосилни топширдилар.

Қизилтепа туманидаги «Тошработ» жамоа хўжалигининг пешқадам звено ва ижарачилари аллақачон пахта тайёрлаш йиллик режасини бажаришди. Дастлабки теримдаёқ гектаридан 25 центнердан ҳосил кўтарган Д. Сафаров, Ў. Усмонов бошлиқ чўлқуварлар бригадаларида режа уддаланиб мажбурият ҳисобига ҳосил топширяпти. Ғолиб звенолар жамоалари ялпи ҳосилдорликни гектарига 35 центнерга етказишмоқчи.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯККАМА-ЯККА

АЛПОМИШЛАР ТУҒИЛАДИ БУ ЮРТДА

Тўғриси, бугунги суҳбатдошим билан бундан бир ойча аввал кўришмоқчи эдим. Мавриди бўлмади. Чунки ўша кунлари спортчиларимиз энди Атлантадан қайтган кунлар, кўнгилда озгина армон ҳам бор эди. Бир мухлис сифатида юракни дардли саволлар қийнаётганди. Кейин...

Бу ёқда мамлакатимизнинг катта тўйи бошланиб кетди. Тўй-тантаналар яна кўп нуфузли мусобақаларга уланди. Ниҳоят кеча Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг раиси Баҳодир Махситов билан учрашдик. Бу киши эндигина Шаҳрисабздан — Соҳибқирон бобомизнинг муборак тўйи шарафига ўтказилган миллий кураш мусобақасидан қайтиб келган экан.

— Баҳодир ака, Ўзбекистон спортининг бугунги даражасини қандай баҳолайсиз?

— Тўғри, беш йил — тарих учун бир лаҳза. Лекин спортда ана шу лаҳзалар катта роль ўйнайди. Бир миллатнинг миллат бўлиб шаклланиши учун ўнлаб йиллар камлик килади. Аммо, спортда бир миллатни лаҳзалар, сониялар дунёга танитади. Шу маънода мен озод юртимизнинг ўтган беш йилда спорт соҳасидаги даражасини яхши баҳолайман. Айниқса, футбол, бокс, каратэ ва бошқа спорт турлари бўйича Осиё, Европа, жаҳонга танилдик.

— Энди дардлироқ саволга ўтсам. Сиз нима деб ўйлайсиз, ўзбек миллий спорти шаклланганми?

— Ҳеч муболағасиз айтаман, шаклланган! Биламан, бу айримларга сал эриш туюлади. Тан олгилари келмайди-да. Йўқ, асли ўзбекни ўзбек қилиб кўтарадиган спорт турлари кўп асрлар давомида ўзлигини топган. Ахир миллий ва эркин курашда, чавандозлик, қолаверса, бокс бўйича мана-ман деган миллатдошларимиз донг таратган-ку! Фақат шўролар замонида бизларга чап кўз билан қараган. Энди эса катта дунёга йўл очилди. Гоҳо ўксиниб қоламиз. Алпомишлар ўтган тупроқда яна унинг издошлари чиқармикан, деб. Аслида ҳозирам Алпомишлар яшаяпти ва яна туғилади. Бу юртга дуо кетган. Кеча кўрдим, барибир бизнинг халқ ориятли, ғурурлида. Ўзининг ҳақиқий спортини бошига кўтаради, эъзозлайди.

— Шундай дейсиз-у, лекин яширмайлик, сиз айтаётган спорт турларига бўлган эътибор суст эмасми?

— Ҳозир кўз тегмасин, муносабат ўзгаряпти. Айниқса уч йилдан бери шахсан Президентимизнинг ўзлари ташаббус кўрсатиб, миллий кураш, футбол ва катта теннисга бўлган эътиборни кучайтиргач, деярли ҳамма вилоятлар ва туманларда бирдан ўзгариш сезилди. Аммо тан олиш керак, ҳалиям кечаги кун билан яшаётган раҳбарлар бор. Улар ҳануз ғафлатда. Яна бир ташвишли томони, марказда яшаётган тренерлар вилоятлардаги тап-тайёр спортчиларни кўрмаяпти.

— Энди шу ҳақда сўрамоқчи эдим. Энг оғриқли нуқта — ўзимизнинг миллий, маҳаллий спортчиларни қадрлай олмаяпмиз. Ҳамон «ўзи келиб, ўзи кетадиган»лар кўпга ўхшайди...

— Дарвоқе, мен спортни театрга қиёслагим келади. Нега десангиз театр миллат танламайди. Шундай экан, бизнинг мамлакатимиз ҳам кўп миллатли. Яна бир томони, Ўзбекистон спорти шарафини ҳимоя қилаётган машҳур спортчилар юртимизни ўз ватанлари деб биладилар. Кетганлар кетди. Энди бизнинг соҳадаям фидойилар қоляпти. Барибир, ҳар қандай шароитда ҳам аввало миллий кадрларни кўпроқ қадрлашимиз керак. Ана шулар Ўзбекистоннинг нуфузини кўтарадилар. Шу ўринда бизни дунёга олиб чиқадиган бокс, каратэ, кикбоксинг, самбо, дзюдо, грек-рим, эркин кураш соҳаларида бемалол жаҳон миқёсида беллаша оладиган ўзимизнинг ўзбеклар тайёр десам лоф бўлмайди.

— Энди Атланта сафари ҳақида ҳам икки қалима сўз айтсангиз.

— Менинг ўзим гувоҳман. Икки юзга яқин давлат спортчилари Америкага боришди. Бизникилар 58-ўринни олишди. Аслида бошқа мамлакатларни сира камситмаган ҳолда айтишим керак, 126 та давлат спортчилари умуман медаль ололмай қайтди. Шу пайтгача дунёнинг ярмиям «Ўзбекистон» деса, ҳеч нарса билмаган. Беш йил ичида анча-мунча танилдик. Ҳайрият, олимпиада баҳонасида яна бир карра танилдик. Энг қувончлиси, Халқаро Олимпиада қўмитасининг раиси Хуан Антонио Самаранчнинг Ўзбекистонга уч марта ташриф буюришининг ўзиям бизнинг юртимизга бўлган эътиборнинг ошаётганини билдиради.

— Энди сўнгги саволим: Сиз катта бир мамлакатнинг спорти учун масъулсиз. Шахсан ўзингиз қайси спорт тури билан шуғулланасиз?

— Ёшлигимдан бошлаб бокс билан шуғулланганман. Ҳозир ҳам устозим Ҳамидулла Ғозиевнинг машғулотларига қатнайман. Лекин кўпроқ сузиш ва катта теннис билан мунтазам шуғулланяпман. Дастлаб теннис кортига қатнаш вақтини белгилашга сал қийналдим ҳам. Чунки ҳозирги кунда кўпчилик юртдошларимиз бу спорт турига қизиқиб қолди. Тренеримиз қаттиққўл одам экан, кечқурун келишимни айтди. Вақт топяпман...

Норқобил ЖАЛИЛ
гурунғлашди.

Ёруғ ўйлар — ёруғ йўллар

— Мустақиллик нима дегани, қизим?

— Мустақилликми? Мустақиллик — хурсандчилик дегани!..

Дарҳақиқат, кичкинтойларимиз ҳар бир сўз, ҳар бир тўшунча пировардида ёруғлик ва яхшилик, қувонч ва эзгулик бўлишини истайдилар. Хурсандчилик эса чин маънодаги ҳурликнинг мевасидир. Зеро, ҳурлик учун кураш бутун инсоният тақдири ва тарихининг солномасини ташкил этади. Одамзот юпунликка, тақчилликка, саргардонликка, қимматчиликка, жисмоний оғриқларга чидаши, кўникиши ва яна анча-мунча тақдир ўйинларига чап бериб яшаши мумкин. Бироқ эрк таҳқирланса — ёмон. Одам боласи бундай ҳурликка дош беролмайди.

Агар мендан: «Энг ноёб мулкингиз нима?» деб сўрасалар, «Хуш ва нохуш хотираларим» деб жавоб берардим. Хотира шундай хазинаки, уни ҳамма вақт кўз-кўзлагингиз ва дастурхон қилгингиз келмайди. Фақат файзли оқшомларда, байрам тонгларида, дилкаш давраларда хотиралар ёдга тушади ва кечаги кун билан бугунни қиёслаш, келажакни тасаввур қилиш учун имкон яратади.

Мен туғилиб ўсган ҳовли ёнидаги мактабнинг пойдеворига қачон ва кимлар томонидан қурилганини билмайман. Лекин бор-йўғи 15-20 чоғли бетон катаклар ичида ҳар хил қийқимлардан қўғирчоқлар ясаганимиз, кейинроқ, бўйимиз сал чўзилгач, томи ёпилмаган деворлар орасида бекинмачоқ ўйнаганларимизни яхши эслайман. Биринчи синфга тенгқурларимиз билан бир чақирим наридаги мактабга бордик. Шу алпозда тўрт йил қатнаб ўқидик. Ниҳоят бешинчи синфга ўтганимизда ёнимиздаги янги мактабда ўқиш бахтига муяссар бўлганмиз. Демак, ўшанда 500 — 600 ўринли мактабнинг битишини ўн йил кутишга тўғри келган экан...

Бугун эса ён-атрофимга қараб бутун бир шаҳар қуриш ҳам ҳеч гап эмас экан-да деган фикр хаёлимдан ўтади. Беш йил ичида пойтахтимиз бағрида қад кўтарган муҳташам биноларни номма-ном санаб етолмайсиз. Зеро Тошкент, нафақат Тошкент, балки Ўзбекистонимиздаги барча шаҳар ва қишлоқлар қиёфасининг таниб бўлмас даражада нурланиб кетганлиги — ҳақиқат.

ҲУРЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НАСАБ

Андижондаги теннис корти халқаро баҳс майдонига — дўстлик ва хотиржамлик манзилига айланди. Асакада бунёд этилган завод — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси дунё назарига тушди, бу муъжаз шаҳарда қисқа вақт ичида бир эмас, учта кўприк қурилиб, йўлларни йўлларга туташтирди. Бугун замондошларимиз йўл қурмоқда, ниҳол экмоқда. Эртага фарзандларимиз бу йўлларни гулларга буркайди, биз кўкартирган дарахтларнинг меваларидан баҳраманд бўладилар.

Одамлар билан суҳбатлашгим, уларнинг кўнглидаги гапларни эшитгим келади:

«Истиқлол менга «фалон», «фалон» нарсаларни берди деёлмайман. Энг муҳими, у мени ҳадик ва хавотирдан қутқарди. Мен она тилимизнинг қудратини ва гўзаллигини кашф қилдим. Ҳозир мен ҳар қандай даврада тутилмай гаплашаман, ўзимни эркин ҳис қиламан. Бошқа миллат вакиллари менга ўзбек тилида мурожаат қилишса, ғурурланиб кетаман».

Иккинчи дўстимиз эса:

«Мустақиллик менга яшашни, меҳнат қилишни ўргатди, — дейди, — Ер билан тиллашадиган, ҳисоблашадиган бўлдик. Ноннинг, тинчликнинг қадрини тушундик. Илгаримари ҳар ҳафтада бозорга борган бўлсак, ҳозир қорин билан боғлиқ маҳсулотларнинг деярли ҳаммасини томорқамиздан олаяпмиз. Ўзинг пиширган ош ширин бўларкан».

Юртдошларимизнинг самимийлигидан руҳланиб кетаман. Чиндан ҳам одамзот ҳамиша заминга интилиб яшайди. Унинг учун тупроқ ҳидини ҳис қилишдан ҳам ширинроқ сезги йўқ.

Шу мулоҳазалар асосида ота-боболаримиз юрт ободлиги, авлодлар озодлиги йўлида жонларини фидо этганлар, биз эса эртанги кун ва фарзандларимиз келажаги учун жиндек қийналиб, ортиқчароқ меҳнат қилсак, кўпроқ тер тўксак нима қилибди, деган хулосага келаман.

Ер юзидаги жамики тирик жон ҳурликка интилиб яшайди. Қорин ташвишида тузоққа тушиб қолган ҳайвонот боғидаги жонзотларни, хонадонларни ўз хониши билан «обод» қилаётган қафасдаги қушларни кўрсам беихтиёр ҳаяжонланаман. Халқимизнинг: «Тор жойда ош егунча, кенг жойда мушт еган яхши» деган нақли эсимга тушади.

Эрк учун курашмоқ ва ғалаба қилмоқ одамзотгагина хосдир. Ўзбекистонимиз бошига Бахт Қуши қўнган экан, озод Ватанни обод қилмоқ ва унинг келажагига ишонмоқ керак. Эрк энг олий насабимиз эканини унутмасак бўлгани!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

Ўзбекистон жаҳон наздида

Юртимиз мустақиллигини Покистон Ислом Республикаси биринчилар қатори эътироф этганди. Ўзбекистон Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси Покистон давлати билан яқиндан маданий, иқтисодий, маърифий алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилаётир.

Шу кунларда покистонлик ижодкор, шифокор, мусаввир, тадбиркорлардан иборат 10 нафар хотин-қиз юртимиз кишилари, аёллар турмуш тарзи билан яқиндан танишаётир. Делегация раиси, доктор Шаҳноз Саид хонимга бир неча савол билан мурожаат этгандик. Хоним эса: «Бажонидил рўзномангизга интервью бераман. Авфимни қабул этинг, сафар якунида батафсил таассуротимни айтмоқ ниятим бор. Нила хоним «Ўзбек аёллари» ҳақида туркум ёзишмалар яратиш ниятида. Ижодкор билан ижодкор суҳбатлашсин. У юртингиз ҳақида биздан ҳам кўп билади, муҳими, у бу юрт ҳақида жуда кўп ёзмоқчи» — деди.

Покистонлик журналист Нила Дауд хоним рўзномамизга махсус интервью берди.

«БОБУР ЮРТИ ҲАҚИДА ЁЗГУМ БОР ЭДИ...»

— Нила хоним, аввало, ташрифингиз билан хуш кўрдик. Юртимиз билан ҳали яқиндан танишишга улгурмадингиз. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон ҳақидаги фикрингизни билмоқчийдик.

— Ассалому алайкум, муҳтарам муштарий. Ўзбек халқи билан руҳан яқин танишишга улгурганман. Соҳибқирон Темур, темурийлар салтанати, Бобурийлар тарихини ўрганганман. Самарқанд, Бухоро, Хива ҳақида ёрқин таассуротим аллақачон шаклланганди. Журналист нуқтаи назаридан ҳам давлатингизни кўп «қузатганман». Тан олиб айтаман, Покистон мустақилликка эришганига ярим асрдан ошди. Ўзбекистон эса шу беш йил ичидаёқ буюк «сакраш» қилишга улгурди. Лекин қаламга олишга ботинолмадим. Чунки «жонли» фактларимда «бўшлиқ» бор эдида. Узоқ ўтмиш тарихингизни ўргандим. Лекин яқин ўтмиш даврда «узилиш», алоқаларимизда «девор» бўлганлигини инкор этолмайман. Шунданми, юз йиллик яқин ўтмишни эса хира тасаввур этаман.

— Ижодий фаолиятингиз ҳақида ҳам билсак девдим.

— Покистондаям кўплаб рўзнома, журналлар чоп этилади. Аёллар учун ҳам. «Шии» — «Аёл» журналида ишлайман. Журналимиз инглиз ва урду тилларида чиқади. Муштарийларимиз ишловчи аёллар ҳамда уй бекалари. Ҳамкасаба, сезиб турибман, Покистон аёлининг жамиятдаги ўрни Сизни ҳам қизиқтиради. Айнан мен ҳам Сиздан шу ҳақда сўрамоқчиман. Тўғри, бу бироз эришроқ — «жанр талаби»ни иккимиз ҳам биламиз.

— Нила хоним, инкор этолмайман, қизиқтиради шу савол. Суҳбатимиз ноанъанавий тус олсаям, мамнуният билан айтаман. Лекин Сиз «жонли» жавобни сафар чоғида мендан кўра тўлиқроқ олишингизга ишонаман.

— Хоним, жанр талабидан чиқиб кетмайлик, майли, розиман.

— Ислом ва аёл. Покистон аёли ва жаҳон мавзуида суҳбатимизни давом эттирамиз.

— Қўшиламан таклифингизга. Аслида бу икки мавзудан битта мақсадни кўзладингиз. Ўта нозик савол деб қабул қилдим. Покистон Республикасини Беназир Бхуттодек табаррук зот — аёл давлатни бошқариши энг муносиб жавоб менимча. Аёл табаррук зот, эътиқодимиз шунга йўғрилган. Покистон аёлига тўғридан-тўғри мурожаат этишингиз бироз қийин. Покистон аёли билан парда орқали «гаплашасиз». Аёлларимиз чодирада, парда ортида «яшайди». Бир қарашда бу Сизда бошқачароқ тасаввур пайдо қилиши табиийдир. Аслида улар маънавий ҳам «парда» ортидадирлар...

— Тўғриси, суҳбатимиз бунчалик жиддий тус олишини кутмовдим. Нила хоним, шу мавзуни қаламга олганмисиз? Улар назаримда барча шарқ аёллари янглиғ маънавий парда — шарм-ҳаё пардаси ортида. Тўғрими?

— Иншоолло шундоқ. Айтайлик бизда шифокорларнинг 20-30 фоизигина хотин-қизлар. Аксарият аёлларимиз фақат хотин-қизлар касалхоналарига, аёл врачгагина мурожаат этишади. Шаҳноз Саид хоним шундай хусусий аёллар шифохоналаридан бирини бошқаради. Фотима коллежи ва бошқа ўқув юртларида бу борада чуқур билим ва кўникмалар қатъий талаб остида ўқитилади. Бундай сабоқлар энг асосий фан даражасидадир.

— Айтинг-чи, тижорат билан шуғулланувчи аёллар қандай ўрин тутади жамиятда?

— Покистон аёли тадбиркор. Халқаро миқёсдаги фирма, компанияларни бошқаради. Хусусий тадбиркор аёллар жуда кўп. Лекин тижорат, бизнес билан хотин-қизларимиз кам шуғулланадилар.

— Журналист нуқтаи назаридан қайси мавзуда кўпроқ ёзасиз.

— Бизда журналист айнан бир мавзуга «боғлаб» қўйилмайди. Тўғри келганини, кундалик воқеа-ҳодисадан тортиб, тарихий воқеаларни ҳам таҳлил этавераман. Барибир ижодкорнинг «ўз» мавзуи бўлиши турган гап. Ижтимоий, маиший мавзу «меники». Сиёсатга кўпда аралашавермайман. Лекин сиёсатга муносабатимни билдираман, албатта. Назаримда, Сиз сиёсий «об-ҳаво»ни «кузатасиз» шекилли? Айланиб суҳбатимиз шунга тақаляпти. Сиз-чи? Яна жанрдан чиқиб кетдикми?

— Йўқ, ҳечам «чиқиб» кетмадик. Фақат «четлаб» ўтяпмиз, холос. Сиёсий мавзуга ўч эмасман. Иккимиз, умуман дунё аёлларига хос «тил»га эгамиз. Ҳозир орамизда таржимон бор. Лекин ўртамизда шундай «тил» бор. Ўгиришга ҳожат йўқ. Оналик «тили»! тўғрими?

— Тушундим. Оилавий ҳаётим ҳақида гапирай. Умр йўлдошим давлат арбоби, сиёсатчи. Икки ўғлим, бир қизим бор. Энг севган уй машғулотим — емакхона.

Шу юрт ҳақида, Бобур туғилган юрт ҳақида ёзгум бор эди... Ўзбек юрти... Уни ёрқин таассуротларимга ўраб, авайлаб олиб кетаман... Сизга эса, хоним, тилагим: Покистон ҳақидаги, аёлларимиз ҳақидаги суҳбатимиз шундай бир илиқлик билан ижодингизга «кириб» қолишини истардим...

— Нила Дауд хоним, модомики, делегациялар айирбошлаётган эканмиз, иккимиз шахсан нима айирбошласак экан?

— Хоним келинг, ижодимиздан намуналар айирбошлаймиз.

— Нила хоним, келишдик. Юртимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз учун Сизга ташаккур. Омонлик тилаймиз, ижодингизга фақат барака.

Суҳбатдош «Ўзбекистон овози» махсус мухбири Саида ЙЎЛДОШЕВА.

ОБИД АКРОМХЎЖАЕВ



Узбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Атоқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, давлат ва халқаро мукофотлар совриндори, геология-минералогия фанлари доктори, профессор Обид Акромхўжаев 76 ёшида фожиали вафот этди.

Улим орамиздан бутун умрини фан тараққиётига бахшида этган ажойиб инсон, ватанпарварни олиб кетди. Унинг илмий фаолияти нефть ва газ конларининг ҳосил бўлишида органик модданинг аҳамияти ва мазкур фойдали қазилмаларни башорат қилишнинг ҳисоб-китоби билан боғлиқ ғоятда муҳим масалаларни энг замонавий позицияда туриб тадқиқ этган.

У ўз кашфиётлари билан жаҳон илм-фанига беқиёс ҳисса қўшган.

Обид Акромхўжаев 1920 йил 12 октябрда Тошкент шаҳрида туғилди. У Ўрта Осиё индустриал институтини геолог-муҳандис мутахассислиги буйича 1945 йилда аъло тугатди. Геология институтининг аспирантурасини тугатиб, 1951 йили литология буйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Обид Акромхўжаев олимларга хос бўлган узоқ, машаққатли йўлни босиб ўтди: 1951-1957 йиллар — катта илмий ходим, палеогеография лабораторияси мудири, 1957-1959 йиллар Бутуниттифоқ нефть геологик-қидирув институтининг Ўзбекистон бўлими раҳбари, 1959 йилдан эса 30 йил давомида ўзи ташкил қилган Нефть ва газ конлари геологияси ва қидирув илмий-текшириш институтига раҳбарлик қилди. Олим юзлаб илмий мақолалар, кўплаб монографиялар муаллифи бўлиб, халқаро илмий конференциялар, семинар ва симпозиумларда фаол иштирок этди.

Ажойиб олим, Ўзбекистоннинг содиқ фарзанди Обид Акромхўжаев хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

И. А. КАРИМОВ, Ў. Т. СУЛТОНОВ, Т. А. АЛИМОВ, А. А. АЗИЗХЎЖАЕВ, С. С. САИДҚОСИМОВ, Қ. Ж. ҲАҚҚУЛОВ, Т. Ж. ЖЎРАЕВ, И. Х. ҲАМРОБОЕВ, Х. А. АКБАРОВ, А. А. ОБИДОВ.

ФАРҒОНА ПАХТАСИ — ЧЕТ ЭЛГА

Вилоятда қайта ишланаётган пахта толасининг 80 фоизидан кўпроғи чет мамлакатларга шартнома асосида жўнатилмоқда. Маҳсулот сифати юзасидан олинаётган эътирозлар эса жуда кам. Вилоят «Пахтасаноат сотиш» бирлашмаси тизими ходимлари ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этмоқдалар. Вилоятдаги 8 та пахта тозалаш заводи ва 52 та пахта қабул қилиш пункти муддатидан илгари таъмирланиб, давлат қабул комиссиялари томонидан қабул қилиб олинганди.

Айни пайтда барча пахта тозалаш заводлари ва қабул пунктларида янги ҳосилни қабул қилиш ва уни қайта ишлашга киришилди. Бу йилги етиштирилган ҳосилнинг 60 фоизи хўжаликларнинг ўзида қолдирилиши, пахтани қўлда ва машинада терувчиларга тўланадиган ҳақнинг кескин оширилиши мамлакатимиз раҳбариятининг деҳқонларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ифодаси бўлди. Шу кунларда вилоятда ўнлаб пахтачилик звенолари режаларни бажариб, мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НОШУД МАСЛАҲАТЧИНИ АЙБЛАШМОҚДА

АҚШ давлат департаменти Россиянинг Саддам Хусайн режимига билдирган муносабатини қаттиқ қоралаб чиқмоқда. Америка давлат департаменти вакили Николаса Бернс бу ҳақда расмий равишда баён қилди.

Маълумки, 1990-91 йилларда Форс кўрфазидаги сиёсий можароларга Россия (собиқ СССР) ўзгача фикр билдирган эди.

«Афсус, бугунга келиб Россия ўз фикрини ўзгартирди» деб эътироф этди Бернс. «Саддам Хусайн сиёсатини Россия ёқлашига қўшилолмаймиз, — қатъий фикр билдирди давлат департаменти вакили, — Ироқнинг қўшни давлатларга ўтказмоқчи бўлган тазйиқи, Саддам Хусайннинг бир ёқлама сиёсати Россияни қаноатлантирганига бефарқ қарай олмаймиз ҳам. Ироқнинг бу сиёсий йўли ишончсиз йўлдир». Бернснинг фикрича: «Россия ташқи ишлар вазирининг Ироқ сиёсатига муносабати ношуд давлат маслаҳатчисининг таъсирида» эмиш.

АҚШ давлат департаменти Россиянинг Ироққа муносабатини шундай баҳоламоқда.

ҲАВО ҲУЖУМИ ҚУРБОНЛАРИ

Покистон ахборот агентлигининг якшанбада хабар беришича, афғон осмонида яна ҳаво ҳужуми бўлди. Қўзғолончи самолёт Исломобод шаҳрига қўндирилди. Афғон ҳукумати мамлакатнинг шарқий қисми, Жалолобод шаҳрини ҳам бомбардимон қилди. Натижада 5 нафар киши бегуноҳ қурбон берилди.

НИГЕРИЯ — КАМЕРУН МОЖАРОСИ ТУГАТИЛАДИМИ?

Душанба куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Нигерия ва Камерун ўртасида давом этиб келаётган чегара баҳсига чек қўйиш масаласини ҳал этишга киришди.

Маълумки, Нигерия ва Камеруннинг чегара можароси уруш оловига айланганига анча бўлди.

БМТ давлатлар орасидаги урушни тўхтатишга шу пайтгача ҳам тўрт марта аралашди. Афсуски, давлатлар бир тўхтамга келишолмади. Бу бешинчи уриниш эса ҳар икки давлатга ўта жиддий чора-тадбир қўллашни тақозо этмоқда.

Очиқ ва аччиқ гаплар

«НАФАҚАМНИ ҚАЧОН ОЛАМАН?»

«Сентябрь арафасида нафақамни оламан» деган илинжда эдим. Афсуски ишончим пучга чиқди, — дейди асаби ниҳоятда таранглашган нуроталик меҳнат фахрийси, биринчи гуруҳ ногирони Равшан Примов. — Уч ойлик нафақамни ҳалигача олганим йўқ. Бу ҳақда тегишли жойларга мурожаат қилдим. Афсуски ижобий жавоб ололмадим. Бу аҳволда оиламдаги 6 жонни қандай боқаман?»

«Президентимиз И. А. Каримов юртимиз фуқароларига, айниқса нафақахўрларга беқиёс ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бироқ буни маҳаллий раҳбарлар ҳис қилишяптими? Жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг у ёки бу баҳонасида қўлимиз пул кўрмай қақшаб қоляпмиз. Масалан, июль, август, сентябрь ойлари учун берилиши керак бўлган нафақамни куз тушибдики, олганим йўқ. Буни қандай тушунса бўлади?» — дея дардини тўкиб қолди Навбаҳор туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги меҳнат фахрийси, иккинчи жаҳон уруши биринчи гуруҳ ногирони Неъмат Ниёзов ҳам. Бундай аччиқ ва очиқ гапларни қизилтепалик Х.Баҳринов, Н.Авезов, навбаҳорлик Э.Ваҳобов, Р.Рўзиев, А.Қурбоновлар тўкиб қолишди...

Ҳа, фахрийларимиз, ичичидан куюнганича бор. Улар оғзаки ва ёзма равишда таҳририятимизга мурожаат қилишяпти. Жойлардаги ўзибўларчилик, кўзбўямачилик ҳолатларини, отангга бор, онангга бор қабилидаги найрангбозликларни рўй-рост юзимизга айтишяпти. Чунки бу сингари ошкораликни бизга мустақиллик ва туб бурилишлар даври берди. Шундай экан, нега ҳақиқатдан кўз юмамиз? Нега энди эмиссия, яъни пул тушумини, банклараро пул муомаласини рўкач қилиб кексаларни, пирубадавлат нуронийларни алдаймиз?!

Хизмат сафари билан Нуротадаги туман маданият бошқармасида бўлганимда ногирон Р.Примов арз-додига сабр қилолмадим. Бу киши ҳар гапнинг бирида вилоят, туман ижтимоий таъминот бўлимидаги мутасадди раҳбарлар устидан ёзишни илтимос қиларди. Бировнинг устидан ҳуда-беҳуда ёзиш шарт эмас. Бироқ, юртбошимиз қайд этганидек, ҳар бир раҳбар: хоҳ у ҳоким бўлсин, хоҳ у раис бўлсин, бировга яхшилик қилишни содда диллар кўнглини қандай бўлмасин овлашни ўз бурчи, вазифаси деб билмоғи керак. Шундай экан, Навоий вилояти ижтимоий таъминот бўлимидаги ўртоқлар ҳам мурувватдан, яхшиликдан кўз юммасликлари даркор.

Акс ҳолда кўпчилик қарзидан қочиб қутулиб бўлмайди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Чорвачиликда ислоҳотлар қандай бормоқда?

ЧЎКАЁТГАН РАҚАМЛАР

Дўстлик тумани чорвачилигига сиртдан назар солинганда ҳамма нарса рисоладагидек кетаётгандай. Гўёки ислоҳотлар шу куннинг талаблари асосида амалга оширилаётганга ўхшайди. Туман бўйича мавжуд саккизта чорвачилик фермасининг учтаси ҳиссадорлик жамоаси тасарруфига берилиб, бештаси хусусийлаштирилган. Демак, энди туман чорвачилигининг эгалари тайин, улардан маҳсулдорликни ошириш талаб этилаверса бўлади. Туман раҳбарлари чорвадорлар ишини ана шу мезон билан ўлчаяптиларми?

Туман бўйича бултур шу кунларда 5098 бош қорамол бор эди. Ҳозир эса чорвачилик фермаларида 2985 бош қорамол боқилмоқда. Бир йил ичида моллар сони 2113 бошга камайиб кетгани етмагандай, уларнинг маҳсулдорлиги ҳам кескин тушиб кетди. Саккиз ойлик натижага қараганда, соғилаётган ҳар бир сигирдан бултурги 853 килограмм ўрнига атиги 440 килограммдан сут соғиб олинган. Ўтган давр мобайнида ҳаммаси бўлиб 670 тонна сут соғилиб, давлатга 375 тоннаси сотилган. Бу, бултурнинг шу вақтидагига солиштирилганда 1140 тонна кам. Бунинг устига 840 тонна кам сотилганини кўрсатади.

Агар чорвачиликдаги натижалар 1994 йилдагилари билан солиштирилса, туман чорвачилиги ниҳоятда катта фожеани бошидан кечираётгани, соҳа таназзулга кетаётгани кўриниб қолади. **Туманда қорамоллар сони ўша йилнинг август ойида 6486 бош бўлган. Шулардан 2207 боши сигирлар бўлиб, саккиз ой давомида 3100 тонна сут, 465 тонна гўшт етиштирилган. Сутнинг 2945 тоннаси, гўштнинг 420 тоннаси давлатга сотилган.**

Хўжаликлардаги чорвачилик фермаларини сотиб ёки ҳиссадорлик жамоаларига айлантириб олган айрим чорвадорлар ўз фермаларини «Оқ чашма», Фарҳод, «Тонготар» каби жарангдор номлар билан атаб олишса-да, улардаги ишлар асло жарангдор эмас. Фикримизнинг далили учун М. Дадажонов номли ширкатлар бирлашмасидаги «Тонготар» ҳиссадорлар жамоаси кўрсаткичларини кўздан кечирайлик. Жамоада ўтган йилнинг шу пайтида 860 бош мол бўлган. Шу кунларда 376 бош мол боқилмоқда. Бултурнинг саккиз ойи давомида 235 тонна сут етиштирилган бўлса, бу йил шу давр ичида — 46 тонна. Бултур саккиз ойда 125 тонна сут сотилгани ҳолда, бу йил 25 тоннагина сотилди.

Мирзааҳмад Абдуғаниев бошлиқ «Оқ чашма» жамоаси, Саркисов номли хўжалик чорвачилик фермаси жамоаси йил давомида моллар сонини 220 бошга камайтириб юборган. Улар сут етиштиришни бултур саккиз ойдаги 210 тоннадан 98 тоннага тушириб юборишди. Ҳар бир сигирдан атиги 580 килограммдан сут соғиб, давлатга сотиш миқдорини 110 тонна камайтирдилар.

Дўстлик тумани бўйича бузоқ олиш аҳволи ҳам ниҳоятда ачинарли. Ҳар юз бош сигирдан ҳозиргача атиги 35 бошдан бузоқ олинди. Қишлов учун хашак жамғариш эса... Рақамларни тилга олишга ёки қоғозга ёзишга уяласан, киши?!

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Озуқани мўл тўплаганнинг моли, демак кўнгли тўқ бўлади.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

КУЙГАНЁРДА КУЯЙ ДЕДИ...

Андижон туманининг Куйганёр шаҳарчасидаги дам олиш масканида хордиқ чиқараётган 33 ёшли М.Азимова дўқ-пўписа қилиб тилла узуги ва сиргасини тортиб олган зўравоннинг қилиғидан қаттиқ хафа бўлиб, ички ишлар бўлимига келди. Орадан вақт ўтган бўлишига қарамай тезкор ходимлар зўравонни тутиб келтирдилар. Муқаддам судланган 24 ёшли бу кимса қилмиши учун жазо оладиган бўлди.

КВАШАНИНГ НАШАСИ

Сурхондарёнинг Жарқўрғонидан поездга ўтирган Кваша Қаршига келиб қаттиқ қаршиликка учради. «Э қўйсангчи, биродар, мени поездан қолдирмагин», дегани билан милиционерлар: «Йўқ, сумкангизни бир текшириб кўрамиз, кейин кетаверасиз», деб ўз фикрида туриб олишди. Бечора Кваша сумкани очса, наша чиқиб бу ёғи, бешбаттар бўлиб кетишини ўйлаб баттар хуноби ошди.

Қаршилик милиционерларнинг қаршилигига учраган бу нашафуруш ниҳоят ўзининг 600 грамм наша олиб кетаётганлигини тан олиб, поезддан тушиб қолди. Дарвоқе, 50 ёшни қоралаган бу кимсанинг тақдир дафтарини транспорт ички ишлар бўлими ходимлари варақламоқда.

МОМОНИ ЎЛДИРГАН ДЎХТИР ҚИЗ

Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги Сапёрная кўчасида яшовчи 72 ёшли Н.Сержантованинг ўлими ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотди.

Тергов суриштирув ишларидан маълум бўлдики, бечора момони Тошкент вилоятининг касалхоналаридан бирида хамшира бўлиб ишловчи А.Г.исмли аёл ўлдирибди.

Ҳартутул оллиндан бир нарса дейиш қийин. Аммо ўзини ўт балосига урган бу ҳамширанинг иши ҳозир тергов да.

ҲУЖЖАТЛАР ЖОЙИДА ЭКАНУ...?

Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ички ишлар бўлими ходимлари деҳқон бозоридаги деҳқонларнинг ҳужжатларини сарагини саракка, пучагини пучакка ажратувчи антиқа солиқчини қўлга олдилар. Ў.Р. исмли бу «амалдор» бозорчи йигитнинг ҳужжатларини текширар экан, бечора деҳқон болани бир силра у ёққа олиб борди. Вой-буйлан бошланган ваҳимаси, эҳ ҳе-ей билан ҳам тугамай турганди. Бозорчи бола ҳам бозор кўрган эмасми, солиқчи аканинг чўнтагига дарров қўлини тиқди. Ҳамёнига кирган соққанинг иссиғи бирпасда солиқчининг юрагига етиб бориб тиржайди: «Ҳа ука, тушунадиган экансиз-у» дея, ҳужжатларни эгасига қайтариб жуфтакни ростламоқчи эди. Бўлмади. Бирдан томдан тараша тушгандек, ўша чўнтакка бошқа бирқўл кирди ва у ниманидир суғуриб чиқди. Солиқчининг юраги музлаб қолди. Қўлидаги кишандан қутиламан деб бир ҳаракат қилганди, бўлмади - 500 сўм пора 500 жойни тилка пора қилди. Дарвоқе, балиқ тумшуғидан илингач бутун гавдаси билан ҳаракат қилса ҳам кичиккина қармоқдан қутула олмаганидек, бу акамиз ҳам қутулолмай қолди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.

1996 йил — Амир Темур йили

ИФТИХОР-ЛА ЯШАР ШАҲРИ КЕШ

Шаҳрисабз шаҳрини «Амир Темур ордени» билан мукофотлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини қашқадарёликлар, жумладан шаҳрисабзликлар ғурур ва фахр билан кутиб олишди.

Ҳамон эсимизда, пахта терими даврида Шаҳрисабз шаҳридаги бозор дарвозасига қулф урилар, йўлларга тош, қум уюмлари тўкиб қўйиларди. Мустабид тузум дилимизга ҳам қулф солиб қўйган, чекланган тафаккур, мафкуравий қарамлик туфайли улуғ зотлар, миллий ғуруримиз, маданиятимизни унутаёзган эдик.

Узоққа бормайлик. Шаҳри Кеш аталмиш бу маъво аждодлар макони, ифтихори, эзгу армонлари эмасмиди? Шаҳрисабз буюк мутафаккир Бедилнинг ота юртидир. Улуғ Навоий ва Бобур асарларида шаҳар алоҳида меҳр билан тасвирланган. Она юртимизни босқинчилардан озод этиб қудратли давлат барпо этган Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари ўзи таваллуд топган шаҳарга ҳаётининг сўнгги кунигача сўнмас меҳр қўйди ва обод қилди. Аммо бу улуғ зот ўз юртида қадр топмади. Яратганга шукрлар бўлсинки, истиқлол туфайли халқимизнинг миллий ғурури тикланмоқда, буюк аждодлар хизмати эътироф этилмоқда.

Лутфулла УБАЙДУЛЛАЕВ, меҳнат фахрийси: —Ҳозир 78 ёшдаман. Бутун умр тарихимиз, хусусан темурийлар тарихини ўрганиб келдим. Кимки мурожаат қилса, Соҳибқироннинг Шаҳрисабзга боғлиқ ҳаёти, қурдирган иморатлари тарихини гапириб бераман. Улуғ саркарда босқинчилар устидан қозонилган ғалаба шарафига қурдирган Оқсаройнинг бош равоғини «Зафар дарвозаси» деб атаган. Тарихда эрк, озодлик йўлидаги зафарлар ҳеч қачон унутилмайди. Чунки тарих улуғ мураббийдир. Президентимиз вилоятимизда ишлаган кезларда Шаҳрисабзни обод қилиш, ёдгорликларни таъмирлаш ишлари бошида турган эдилар. Буюк зотларнинг ишини ҳамиша улуғ инсонлар давом эттирганлар. Истиқлолга эришган, Амир Темур ҳазратларининг бешигини тебратган она шаҳримизга унинг номидаги олий мукофот берилган кунларга етганимга шукр қиламан.

Жовли ҲАЙДАРОВ, шаҳар таъмирлаш идораси бошлиғи: — Мукофотлаш ҳақидаги Фармонда ноёб тарихий ёдгорликларни авайлаб-асраш алоҳида уқтирилгани бежиз эмас. Шаҳримизда 29 та ёдгорлик мавжуд. Буларнинг ҳаммаси бетакрор меъморчилик маҳорати, халқ санъатининг нодир дурдонаси сифатида улкан тенгсиз бойлигимиздир. Асрлар юкига бардош бериб келаётган бу бинолар узоқ йиллар таъмирталаб бўлиб келди. Буюк мунажжим Мирзо Улуғбекнинг юбилейи муносабати билан анча ишлар қилинди. Хусусан, у киши қурдирган Кўкгумбаз Жоми масжидининг таъмири якунланмоқда. Гумбази Сайидон, Шамсиддин Кулол мақбараси таъмирдан чиқди. Шаҳрисабз усталари маҳорати қадимий халқ санъати ўлмаслигидан нишонадир. Бизнинг усталаримиз юбилей дастурига кирган яна 6 та бинони таъмирлашда ҳам қатнашмоқда. Бутунлай вайрон бўлган Чўбин мадрасаси тикланиб алоҳида музей ташкил топди.

Наби ҲУШВАҚТОВ, Амир Темур номидаги моддий маданият тарихий музейи раҳбари: — Ушбу музей узоқ йиллик орзумиз эди. Улкан маданий ва маънавий меросимизни, халқ санъаткорларини яратган осори-атиқаларни ўрганишда унинг аҳамияти беқиёс. Ҳозир музейда 50 мингдан зиёд археология ва элшуносликка оид экспонатлар бор. Ёдгорлик буюмлари йиғиш давом этяпти.

Яшнар АВЛОҚУЛОВ, Амир Темур номли мактаб ўқитувчиси: — Бизга аждодларимиз улуғ мерос қолдиришган. Президентимизнинг «Амир Темур ордени» билан мукофотлаш ҳақидаги Фармонларида шаҳримизнинг ёш авлодни буюк аждодларнинг мерос-ворислари қилиб тарбиялаш ва уларни озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб вояга етказиш борасидаги хизматлари алоҳида кўрсатилганлиги биз, мураббийларнинг масъулиятини янада оширади. Бугунги мактаб партасидаги ёшлар юртимизнинг келажагидир. Ўз тарихи, миллий қадриятларни дилига жо этган ёшларгина тараққиёт чўққиларини эгаллаш, юртга чинакамига хизмат қилишга қодирдирлар. Мен ёшларга шонли кечмишимиз, улуғ боболар ибратини ўргатаётганимдан бахтлиман.



Фазлиддин ТОШТЕМИРОВ, шу мактаб ўқувчиси, вилоят олимпиадаси ғолиби: —Мактабимизда иқтидорли ўқувчилар таълим олишяпти. Мен мактаб саҳнасида Соҳибқирон бобомизнинг ёшлик кезларини гавдалантиришга ҳаракат қилдим. Шаҳримизга бобомиз номидаги орден берилгани билан фахрланаман.

Азим ЗАЙНИДДИНОВ, шаҳар ҳокими: — Мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги улуғ бобомиз Амир Темурнинг қутлуғ 660 йиллик тўйига уланиб кетаётганлиги, шаҳримизга буюк зот номидаги орден берилганида улкан маъно бор. Чунки буюк давлат қуриш борасидаги орзуларимиз халқимизнинг чексиз ақл-заковати, букилмас иродаси туфайли амалга ошмоқда. Бу ҳақда Президентимиз республика Олий Мажлиси сессиясида шундай дедилар: «Халқнинг тарихий руҳи уйғонмоқда, маънавиятнинг кўзи очилмоқда, шу туфайли одамлар қалбида миллий ғурур, она заминга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топмоқда».

Шаҳрисабз бугун саноати тараққий топаётган, илм масканларида ўн минглаб ёшлар таълим олаётган шаҳар. Ҳар бир корхона, ҳар бир жамоа тўйга тўёна билан келяпти. Бобомиз қурдирган муҳташам бинолар таъмирланмоқда. Шаҳарнинг қадимий қалъа деворининг анча қисми тикланди. Маҳобатли Оқсарой қаршисидаги хиёбонни обод қилиш, Соҳибқирон ҳайкалини ўрнатиш ишлари якунлаш даврига кирди. Бу жой насиб этса, улуғ зот номига муносиб зиёратгоҳга айланади.

Мен жадал қурилиш кетаётган Оқсарой қаршисидаги хиёбонда бир нафас туриб қолдим. Саройнинг «Зафар дарвозаси»дан тулпор жиловини маҳкам тутган улуғ Соҳибқирон чиқиб келаётганини хаёл кўзгусидан ўтказдим. Ҳа, буюк зотнинг руҳи, ишлари биз билан! Иншоолло, юртимиз қудратли, элимиз бадавлат бўлғусидир.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватан юракдан бошланади

ОЗОДЛИК ОСОНЛИК ЭМАС, ҚОДИРЛИКДИР

«Мустақиллик Сизга нима берди?» Ростини айтсам, шу савол менга унча ўтиришмайди. Йўқ, бу саволга рўпара келишга чўчиганим, жавоб топишга қийналганим учун эмас. Беш йил ичида мустақилликнинг Ўзбекистонга, ўзбекка берганини битта мен —битта тил, битта қалб айтиб тугатолмайди. Гап — саволнинг моҳиятида. Ахир, «Озодсан, сен озод инсонсан» деган эътирофнинг ўзидан ҳам юксак неъмат бормикин дунёда?! Ахир «Сен озодсан» деганининг ўзи «Сен инсонликка қодирсан, сенинг қўлингдан, агар чиндан истасанг, ҳамма нарса келади» дегани эмасми?

Менимча, бизга берилгани 1991 йилнинг 1 сентябрь тонгида берилиб бўлди. Биз ўша яхшиларнинг яхши соатида «Сен озодсан» деган ёрлиқларнинг улуғини олдик.

Энди гап «Мен озодман» деб айта олишимизда қолган. Тилу дил орасидаги масофани йўқотиб, бутун ишонч билан «Мен озодман» деб айта олсак, ана ўшанда Мустақиллик бор эни, бўйи билан кўринади.

Мен бир пайтлар:

Билгилки, қул бўлиб яшамоқ осон,
Ахир, қулликнинг ҳеч масъулияти йўқ.
Озодлик нишонда туради мудом,
Уни пана жойдан кузатади ўқ.

деб ёзган эдим. Чиндан ҳам, қул бўлиб яшаётган инсонга ўйлаш, фикрлашнинг ҳожати ҳам, фойдаси ҳам йўқ. Чунки у учун хожаси ўйлайди. «Қандай қилсам, қай тарзда сиёсат юргизсам, бунинг қўлидаги кишан нозик тортмас экан, тобора бақувватлашиб, тобора қаттиқроқ сиқар экан?» дея. Қул эса фақат ўша ўйлар йўриғида юради. Сал йўриққа қарши ҳаракат бўлса, тириклиги омонатга айланади.

Озод инсоннинг масъулияти ўз зиммасида. У нимани мурод қилса, муроди ҳосил бўлиши учун ўзи, ўзи ва яна ўзи ҳаракат қилмоғи керак. Ҳаракат қилганда ҳам тусмоллаб эмас, режалаб, билиб ҳаракат қилмоғи зарур. Чунки Озодлик — энг улкан эзгулик. Эзгуликда эзгу йўллар билан юрадилар. Озодлик ёлғонни сингдиролмайди, ёлғон емайди. Ёлғон едирсанг, ҳалок бўлади.

Шундай экан «Мустақил яшашга тайёрман» деганимиз «Тўғри яшашнинг машаққатлари, изтироблари, шулардан келажак қувончларига кўндим» деганимиздир. Бу тўхтамларим «Озод яшаш қийинчилигини тан олиш» деган тасаввурни бермаслиги керак. Бу — биз учун қийинроқ. Бизнинг суягимиз қулликда қотган, ўзимизни бирданига озод ҳис этишимиз қийин кечаётир. Бугунги барча муаммолар асосида, менимча, ёлғиз шу сабаб ётибди.

Агар биз чиндан истасак, болаларимизга биздан кўра енгилроқ бўлади. Яқинда бир дугонам: «Мана, мен фарзандларимнинг чиндан ватанпарвар бўлишини хоҳлайман, хўш, Ватанни севишлари учун нима қилишим керак?»-деди. Биз Ватанни умуман севганмиз, севаётганимизни тўла тасаввур қилдиришмай «севинг» дейишган. Шунинг учун севгимиз ишончли бўлмаган. Шунинг учун бугунги қийинчиликларда бу муҳаббат майишиб қоляпти, дош беролмаяпти. «Бир амаллаб қорнингни тўйғазиб, исиб кетмай, совуққотмай кунни ўтказсам бўлди» деган кайфият — қуллик кайфияти. Болаларимизни ана шу кайфиятдан эҳтиёт қилишимиз керак. Биз уларнинг жисм тарбияси билан баббаравар юрак, кўнгил тарбияси билан ҳам шуғулланишимиз шарт.

Ватан — девордаги харита эмас, мана шу кўз олдингдаги митти гиёҳ ўсаётган кафтдек ер ҳам, мана шу суви шилдираётган кичкина ариқча ҳам Ватан. Шу ариқдаги сувга туфлашдан қўрқадиган, майсани оёғи билан босиб, топташга бормайдиган боладангина катта муҳаббатли инсон яралади.

«Вой, нимага етти отабувасини ўргатишим керак экан, келажак компьютерлар даври бўлса, бир қолоқ муаллима экан» деб ёзғирди бир танишим мактабда боласига сабоқ бераётган тарихчини гапираётиб. Менимча, ўша тарихчи — энг замонавий ўқитувчи. Чунки инсоннинг руҳиятига устун муҳаббатнинг энг ишончлиси — хотира муҳаббатидир. Кимнинг дилида «Менинг ота-бувам зўр бўлган, мен уларга ўхшашим керак» деган интилиш бўлса, ўша боладан ҳам катта муҳаббатли инсон яралади. Чунки эл ибораси билан айтганда, унинг илдизи — бақувват, у ҳар эсган шамолга эгилавермайди.

... Қаердадир ўқиган эдим: дунёдаги қайсидир миллат болалари туғилганданоқ: «Сен фалон миллатга мансубсан, қоши-кўзи сенга ўхшаган, сен билан бир тилда гапиришадиган мана шу одамлар сенинг жигарларинг, опа-синглинг, ака-уканг. Уларнинг қийналгани—қийналганинг, қувонгани — қувонганинг. Агар шулардан бири хор бўлиб, сен тўқ бўлсанг, хиёнаткорсан» деб қулоғига қуйишаркан. Нима демоқчиман? Ватаннинг барча яхшиёмон ерларига бирдай меҳр билан ўсган ўз ўтмиши, хотирасига эътиқод билан қараган, бир-бирини суяган, бир-бирига суянган, ёмонини сир тутган, яхшисини байроқ қилиб кўтарган фарзандлар ўстира олсак, Мустақилликдан келган бойлик тўла-тўкис кўринади. Ана шундай фарзандларгина озод яшамоққа, гўзал яшамоққа қодир инсонлар бўлади.

... Бугун-чи? Биз ўзимизни қандай тутишимиз керак?

Озодликнинг бешинчи йили якунланяпти. Вақт—югурик. Кутмайди. Ҳадемай, олти, сўнг етти... Биз нима қилишимиз керак? Суяги ёлғонда қотган, қорни тўйса байрам деб ўйлаган авлод, ёлғон шиорларга кўниккан авлод... Қай тарзда ўзимизни ўнглашимиз керак?

Қуш уясида кўрганини қилади, Болага айтиш эмас, кўрсатиш керак. Озодликнинг беш йили — тушуниш, англаш даври... Бизнинг чекимизга шундай давр тўғри келди. Агар биз ўз юкимизни манзилга виждон билан, ихлос билан етказсак, кўнглимизга қурумдай ўтириб қолган нафс балосини курашда енгсак, ғолиб кўз билан фарзандларнинг беғубор кўзига тик қарасак — эртага «Мустақиллик Сизга нима берди?» деган саволга дуч келмаймиз. Шунчаки бу саволга эҳтиёж қолмайди...

ҚУТЛИБЕКА.

ТОЛИБЛАР ЛАҒМОННИ ЭГАЛЛАШДИ

• КОБУЛ. Афғонистон ҳукуматига мухолифатда бўлган «Толибон» ҳаракати аскарлари мамлакат шимолидаги яна бир муҳим вилоят — Лағмонни қўлга киритди. Ҳаракат раҳбарлари энди Кунар вилоятини забт этишни мўлжалламоқдалар.

Кузатувчиларнинг фикрича, толибларнинг шу вақтга қадар ишғол қилган ери бутун Афғонистон ҳудудининг 70 фоизини ташкил этаётир.

АСКАРЛАР ҚАРОРГОҲДАН КЕТИШАЁТИР

• БАЙРУТ. Сурия-нинг Ливан пойтахти ва унинг атрофида, шунингдек, Жўлон тепалигида жойлашган ҳарбий қисмлари ўз қароргоҳларини тарк эта бошлади. Кузатувчилар бир неча йилдан буён бу ерда жойлашиб турган 35 минг қишилик армиянинг ушбу ҳаракатини шунчаки «аскарлар сонини қисқартириш» дея изоҳлаётган бўлсалар-да, мазкур воқеа Исроил ҳукуматини қаттиқ ташвишга солаётир: Исроил мудофаа вазири Ицхак Мордехайнинг таъкидлашича, Ливан пойтахти ва унинг атрофи ҳамда Жўлон тепалигидаги Сурия аскарларининг «ҳеч бир сабабсиз» кўчиши минтақада кескинликни оширади. Шу туфайли, Исроил армияси ҳар қандай хабарга тайёр бўлиб туриш ҳақида буйруқ олди.

НЕФТЬ ЭВАЗИГА ОЗИҚ-ОВҚАТ

• БМТ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Франциянинг «Насьонал де пари» банки ўртасида битим имзоланди. Унга кўра, мазкур банк Ироқ нефтининг сотилишидан тушган маблағлар учун янги ҳисоб очади. Бу билан БМТнинг 986-қарори амалда қўлланила бошлайди— Ироқ белгиланган миқдорда нефть сотиб, эвазига озиқ-овқат харид қилади.

ҚОЧҚИНЛАР КЎПАЙМОҚДА

• ТЕҲРОН. Эроннинг Ироқ чегарасига яқин ҳудудларида қочқин курдлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ироқдаги Курдистон демократик партияси ҳамда Курдистон ватанпарварлари иттифоқи ўртасида давом этаётган уруш туфайли бугунгача 50 минг киши турар жойини ташлаб, Эронга ўтиб кетган.

Эрон ахборот маҳкамаларининг хабар беришича, қочқинларнинг 70 фоизи аёллар ва болалардан иборат.



Яшнатай деб интилади сой,
Олисдаги сўлим боғларга.

Ҳавасимиз келар негадир,
Савлат тўкиб турган тоғларга.

Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

Биз шундай халқмиз

КЎНГИЛНИНГ ОДАМИ

Эндигина уфқдан бош кўтараётган қуёш нурлари борлиқни пайпаслаб уйғотаётган маҳал, оқ - сариқдан келган бўйчангина бир одам Тошкентнинг Шифокорлар шаҳарчасидан биринчи касалхона томон шошилиб йўл олади. У йўл бўйи ҳазрат Ибн Синонинг мукаррам руҳларидан мадад тилайди. Умрининг бетакрор тилсимоти ичра ўзига хос қувончу ғамлари, рангин лаҳзалари бор.

У ишхонага етиб келганда, уни турна қатор бўлиб навбат кутиб турган, кўзлари ҳаёт ишқи билан тўла беморлар қаршилайди. Ҳар бир беморнинг дардини эринмай, узоқ тинглайди. Уларни тинчлантиргач, синчиклаб текширади. Ультратовуш ёрдамида касалларини аниқлаб, тўлақонли, ҳар томонлама даволаш ишларини бошлайди.

Эндигина Олланазар аканинг ҳузурига кирмоқчи бўлиб турган ҳам эдимки, бир йигит мендан олдинроқ унинг хонасига отилиб кирди. Нимқия очиқ эшикдан ҳалиги йигитнинг хурсанд овозда: " Мана ўша тош, менга уч йил азоб берган тош, бугун кечқурун тушди", деган сўзлари қулоғимга чалинди. Шу лаҳзада ўзўзидан негадир кўнглим ёришиб кетди...

Ва ниҳоят Тошкент врачлар малакасини ошириш институти онкология ва ультратовуш диагностикаси кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Нью-Йорк фанлар академиясининг аъзоси Олланазар Дўстмуродов ҳузуридаман. Ўта камтар, чеҳрасидан нур ёғилиб турган бу оққўнгил инсон билан суҳбатлашиш, назаримда, менга кўп нарса берганга ўхшади. У гўё ҳозиргина меҳнаткаш, ҳалол қишлоқ одамлари ичидан чиқиб келгандай содда ва самимий эди.

— ***Олланазар ака, бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши соғлиғимизга боғлиқ. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?***

—Инсон ўзлигича мураккаб, айни пайтда нозик дунё. Бу дунёнинг саломатлигини асраш-дек буюк масъулият биз шифокорларнинг елкамизга юклатилган. Бу шарафга хиёнат қилишга ҳеч бир шифокорнинг ҳаққи йўқ. Биласизми, мен беморларим билан уларнинг кўнглига қараб муомала қиламан. Олдимга шифо истаб келадиган ҳар бир инсоннинг оғриғини аввал юрагимда ҳис этаман.



Яқинда ғалати воқеа бўлди: ёшгина бир келинчакнинг жигарида даволаб бўлмайдиган ўсмаси бор экан деб, ўн чоғли қариндош-уруғи йиғи-сиғи кўтариб олиб келишди. Беморнинг жигарини ультратовуш ёрдамида синчиклаб текшириб, ҳали жуда кичкина ўсма борлигини аниқладим ва даволашга киришдим. Ўша куни қариндош-уруғларини ваҳимага солиб, беморга хато ташҳис қўйган, қаердадир оқ халат кийиб ишлаётган касбдошимдан ўкиндим. 10 кун деганда ўлим ваҳимаси билан келган келинчакнинг жигарида ҳеч кандай ўсманинг асорати қолмади. Ҳалигача унинг яқинлари миннатдор бўлиб, қўнғироқ қилиб туришади.

— ***Касбни нафс эмас, қалб танлаши керак дейишади. Шифокорликнинг оғир заҳматлари сизни чарчатмадими?***

—Тўғри, чарчайман, лекин ҳалигача безганим йўқ. Чарчоғим ҳам лаҳзалик. Ҳар бир бемор билан суҳбатлашарканман, уларнинг кўзидаги ҳорғинликни, умидсизликни ишонч, тетиклик эгаллаб бораётганлигини кўриб, мазза қилиб дам оламан.

— ***«Медицина» нашриётида учта монографиянгиз чоп этилган экан. Яна тайёр қўлёзмам бор дедингиз...***

—Ҳа, «Сафродаги тош ёхуд афсона ва ҳақиқат» номли монографиям чоп этиш арафасида турибди. Ушбу рисолада ўт-тош касаллигининг келиб чиқиши, белгилари, даволаш йўлларини имкон борича ёритганман. Бу касаллик жаҳоннинг барча мамлакатларида энг кўп тарқалган хасталиклардан бўлиб, вақтида даволанмаса ҳаёт учун хавфли асоратларга олиб келиши мумкин. Сафродаги тошлар уч хил: «индамас» тошлар 85-80 фоиз, «қитиқловчи» тошлар 10-12 фоиз, «тишловчи» тошлар эса 2-3 фоизни ташкил этади.

— ***Сафродаги тошни қандай даволаш мумкин?***

—Ультратовуш ёрдамида даволашга кафолат берамиз...

Дилкаш суҳбатдан сўнг, кўнглим равшан тортди. Ўйладим, меҳр ва самимият учун қалбнинг йўли очиқ экан. Мана шу қалб йўлига, кўнгил йўлига ўзини бағишлаб яшайдиган одамларнинг борлигидан юрагим тоғдек кўтарилди.

Ҳалима АҲМАД.

СПОРТ

ҚОРА ДЕНГИЗ КУБОГИНИ ОЛИБ

Таэквандочиларимиз Одессада ўтказилган халқаро мусобақада ажойиб муваффақиятга эришдилар. Бу ерда «Қора денгиз кубоги» учун Беларусь, Россия, Руминия, Греция, Туркия ва Украина курашчилари ўзаро баҳслашдилар. Спортчиларимиздан Равшан Тошпўлатов, Александр Ни ва Акмал Икромовлар маҳорат кўрсатиб, зафар қучдилар. Вакилларимиз умумжамоа ҳисобида бош совринни қўлга киритишди.

СИРДАРЁ ЙЎЛЛАРИ БЎЙЛАБ

Истиқлолимизнинг беш йиллиги ва Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишланган Ўзбекистон спартакиадаси дастуридаги мусобақалар давом этмоқда. Яқинда Гулистон шаҳрида спортнинг 27 тури бўйича баҳслар уюштирилди. Бунда велопойгачилар «Гулистон-Боёвут» йўлида куч синашдилар. Сирдарёликлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Бу ғалабада 60 километрли, 15 маррали пойгада биринчи ўринни эгаллаган сирдарёлик Николай Илиннинг ҳиссаси катта бўлди. Муваффақиятдан кейин сирдарёликлар спартакиадада тутган мавқеларини анча яхшилаб олишди. Ҳозир улар 6-бўлиб туришибди. Тошкент шаҳар, Андижон ва Самарқанд вилояти жамоалари эса пешқадамлик қилишмоқда.

" ЎзДЭУавто "ҳақиқатга айланган афсона!

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Азиз ватандошлар, Асакада, "ЎзДЭУавто" заводида ишлаб чиқарилаётган "ДАМАС", " ТИКО" русумли енгил автомашиналар Сизнинг харидингизни кутмоқда ! Автомобилларнинг "энг афзал томонларидан бири ёнилғини бошқа машиналардан деярли 3 баробар кам сарфлашидир. "ДАМАС" ва "ТИКО" 100 км. йўлга бор-йўғи 4,3 литр бензин сарфлайди. Ўзингиз фараз қилинг, бир хил қуйилган ёнилғи билан бошқа бирон машинада Сиз Тошкентдан Самарқандга етиб борсангиз, "ДАМАС" ва "ТИКО"да Тошкентдан Хивагача боришингиз мумкин.

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.

"ТИКО"- сиртидан салони кенг машинадир!

Демак, иқтисодий самара ва ихчам кўринишда ишлаб чиқарилган ўзимизнинг "ДАМАС" ва"ТИКО"ларни харид қилган маъқулдир!
У узоғингизни яқин қилади, оилангизда ҳар кунингизни хурсандчиликка айлантиради.
Келинг, дидингизга манзур рангини ўзингиз танлаб олинг!
Базаларимизда турфа ранглар жилосидаги барча қулайликларга эга "ДАМАС" ва "ТИКО"лар Сизга мунтазир!
Унутманг, автомобиллар Ўзбекистон ҳудудида бир хил нархда сотилади.

"ДАМАС" - оилавий сайр-саёҳатга, бозор-ўчарга жуда мос!

Автомобилларни "ЎзДЭУавто Ко."нинг расмий вакили "Ўзавтотеххизмат" акционерлик жамиятининг Тошкентдаги ва барча вилоят бўлимларидан сотиб олишингиз мумкин.

Барча саволларингиз билан қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:
54-77- 71, 54 -47 -78, 58 -33 -59, 79- 49 -60. факс: 55- 47 -15

Тошкентдаги манзиллар: Ш Абдуллаев кўчаси 4-уй
Сирғали "Ўзавтотеххизмат" АЖ — Масон кўчаси, 39 -уй.
Тошкент "Ўзавтотеххизмат" АЖ — Халқлар Дўстлиги, 118 -уй.

"ТОШКЕНТСУТ"
АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ

Шуни маълум қиладики, 15 августдан бошлаб жамият вакиллари қишлоқ аҳолисидан, қишлоқ кенгашлари орқали келишилган нархларда шартнома асосида чекланмаган миқдорда сут қабул қилишни бошлайди.
Сутни Тошкент вилояти туманларида жойлашган "Тошкентсут"га қарашли қабул пунктларига топширишингиз мумкин. Топширилган сутнинг ҳисоб-китоб ишлари ҳар куни қишлоқ кенгашлари орқали олиб борилади.
"Тошкентсут" акциядорлар жамияти қишлоқ кенгашларини керак бўлган анжомлар фляга, бидон, лаборатория асбоб-ускуналари, ўлчов тарозилари билан тўла-тўкис таъминлайди.
Қишлоқ меҳнаткашлари! Бизнинг вакилларимиз Сизларни қуйидаги манзилгоҳларда кутадилар:
— Тошкент тумани — "Тошкент" сут қабул қилиш пункти;
— Зангиота тумани — "Зангиота" сут қабул қилиш пункти;
— Оққўрғон тумани — "Оққўрғон" сут қабул қилиш пункти;
— Чиноз тумани — "Эрназар" ва "Олмазор" сут қабул қилиш пунктлари;
— Қуйи Чирчиқ тумани — "Ўзбекистон" ва "Ҳамкорлик" сут қабул қилиш пунктлари.

Маълумот учун телефон: 72-05-80.

BAT
BRITISH-AMERICAN TOBACCO

АГАР СИЗГА ИШ КЕРАК БЎЛСА...
АГАР СИЗГА ЖИДДИЙ ИШ КЕРАК БЎЛСА...
АГАР СИЗГА БАРҚАРОР ИШ КЕРАК БЎЛСА...
АГАР СИЗГА ЯХШИ ХАҚ ТЎЛАНАДИГАН ИШ КЕРАК БЎЛСА...
Унда Сиз ЎЗБАТ АЖ. ҚКга ишга келинг

Компания қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларни ишга қабул қилмоқда:
- техник-механик
- электрон жиҳозлар созловчиси

Бунинг учун:
ёшингиз 35 дан ошмаган бўлиши,
Махсус ўрта ёки олий техник маълумотга эга бўлсангиз
Сиз "Бритиш-Американ Тобакко" компаниясининг энг яхши ўқув марказларида ўқишга тайёр бўлсангиз.
Сиз жаҳон андозаларига мос даражада ишлашга тайёр бўлсангиз.
Сизни қўлга олинадиган 3500 сўмлик бошланғич иш ҳақи қониқтирса

СИЗНИ АЖОЙИБ КЕЛАЖАК КУТМОҚДА!
ВА ЯНА...

Танловдан муваффақиятли ўтган номзодларга Тошкент тамаки фабрикасида, ҳамда янги қурилаётган Самарқанд сигарет фабрикасида иш таклиф қилинади.

Бунинг учун...
Компаниянинг ҳамма филиалларидан олишингиз мумкин бўлган анкетани тўлдиринг.
Тўлдирилган анкеталар ўрганиб чиқилганидан кейин бир ой муддат ичида номзодлар суҳбатга таклиф қилинади.

Тошкент ш.	Самарқанд ш.	Ургут ш.
Носиров кўч. 77, Тошкент тамаки фабрикаси	Рудакий кўч. 150 Самарқанд тамаки-ферментация заводи	Навоий шох кўч. 10 Ургут тамаки-ферментация заводи

Мамлакатнинг Буюк келажаги сари қадам ташланг!

ТАШКИЛОТ
Тошкентдаги омборхонадан пул ўтказиш йўли билан
ХОРИЖИЙ АВТОШИНАЛАРНИ:
175/70 R13 ("Жигули", "Москвич" ва ҳ.)
205/70 R14 ("Волга" ва ҳ.)
215/60 R16 ("Нива", джиплар ва ҳ.)
СОТАДИ
Бошқа шаҳарлардан келган харидорларга автошиналарни манзилга етказиб бериш ташкил этилади.
Телефонлар : 68-19-32, 68-28-66.



BAT
BRITISH-AMERICAN TOBACCO
ЎЗБАТ А.Ж. ЎЗБЕК-БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
Олий ўқув юртларини (1993-1996 йилларда) якунлаганлар ва студентлар учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича
МАХСУС ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- молия ва бухгалтерия ҳисоботи	**-(Finance and Accounting)**
- ишлаб чиқариш бошқаруви	**-(Production Management)**
- савдо ва истеъмол маркетинги	**-(Trade and Consumer Marketing)**
- кадрлар бошқаруви	**-(Human Resources Management)**
- агроном	**-(Agronomy)**
- ишлаб чиқариш участкалари раҳбарлари	**-(Production Supervisers)**

Танлов ғолиблари менеджер-стажер сифатида ишга қабул қилинади ва "Бритиш-Американ Тобакко" компаниясининг улкан тизими бўйича 2 йиллик ўқув курсини ўтайди.

Сиз анкетани олгандан сўнг уни тўлдириб, қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:
-Тошкент ш., Носиров кўч.77, Тошкент тамаки фабрикаси
-Андижон ш., К. Яшин кўч. 7, ЎЗБАТ А.Ж. филиали (савдо маркетинги)
-Бухоро ш., Ўзбекистон Мустақиллиги кўч., 11, ЎЗБАТ А.Ж. филиали (савдо маркетинги)
- Самарқанд ш., А. Рудакий кўч., 150, Самарқанд тамаки-ферментация заводи
- Ургут ш., Навоий шоҳ кўч., 10, Ургут тамаки-ферментация заводи
- Фарғона ш., М.Қосимов кўч. 31 а, ЎЗБАТ А.Ж. филиали (савдо маркетинги)

Танлов асосида саралаб олинган барча номзодлар анкета тўлдирилиб топширилгандан кейин бир ой муддат ичида суҳбатга таклиф этилади.

КЕЛАЖАГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА! **WE CHALLENGE YOU!**

ҚОҚСУЯКЛАР ТАНЛОВИ

Шунақасиям бўлади

Мистер қоқсуяк ғолиб бўлди. Спортнинг шундай тури бор — культуристлар. Мускулларнинг бақувват, «ўйноқи» бўлиши. Бундай спорт билан шуғулланувчи кўплаб жаҳон миқёсидаги ғолиблар талайгина.

Лекин қоқсуяклик ҳам спорт турими? Ҳа, озғин, қотма — суякларнинг яққол кўриниб туриши ҳам спорт тури экан.

Америкада турфа хил мусобақалар ўтказилади. Тез гапириш, тез ухлаш, бедорлик, семизлик, озғинлик, новчалик, пакана-лик... Ёйинки чой ичиш, индамаслик, бир оёқда туриш... Қаердадир ўқигандик «тўрт» оёқда туришиниям!

Шундай бўлгач қоқсуякликнинг нимаси ажабланарли?! Шунчаки мусобақа.

Янги жаҳон чемпиони:

Бориб турган қоқсуяк одам - Алабама штатининг Эннистон шаҳрида яшовчи Фил Брайнт, бўйи 195 сантиметр, оғирлиги 55 килограмм.

Иккинчи ўринда — Мичиган штатининг Франкенмут шаҳридан Лэрри Майнер, бўйи 153 сантиметр, вазни 42 килограмм.

Оклахомалик Майкл Лойте эса учинчи бўлди. Оғирлиги 55 килограмм.

Шуниси қизиқки, қоқсуяклар беллашувида қатнашиш озмунча меҳнат талаб этмайди. Аввало, қоқсуяклар жисмонан соғлом ва бақувват бўлишади.

ТАДБИРКОР — «БАХТ УЙИ» ҚУРДИ

Марғилонлик ишбилармон «Ёшлик» ишлаб чиқариш савдо бирлашмасининг раҳбари Анваржон Мирзаев ўз маблағи ҳисобига шаҳар ёшлари учун кўркам «Бахт уйи» биносини қуришни бошлаган эди. Республикамиз мустақиллиги байрами арафасида бу муҳташам, замонавий бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бинога шаҳар фуқаролар далолатномалари ёзиш бўлими жойлашди. Янги «Бахт уйи» марказида дастлабки келин-куёвларга никоҳ гувоҳномалари тантанали суратда топширилди.

Алишер ИБОДИНОВ.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси журналист Сафар Остоновга укаси **Йўлдош ОСТОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»), Салим АШУРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М. АҲМАД, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0492

Босишга топириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА